

Ўзбекистон Республикаси

Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти

Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида

сўзлаган нутқи юзасидан

Хусусан, ўтган йили умумий хавфсизлик ва тараққиётга қаратилган “Самарқанд бирдамлик ташаббуси”ни илгари сурилганлиги, асосий мақсад мамлакатлар ва халқарнинг бугунги куни ва истиқболи учун масъулиятни ҳар томонлама чуқур англаш, очиқ ва конструктив ҳамкорликка тайёр барча томонларни глобал мулоқотга жалб қилишдан иборат эканлиги, ҳуқуқий, дунёвий, демократик ва ижтимоий давлат бўлмиш Янги Ўзбекистонни барпо этиш сиёсати қатъий давом эттирилиши, мамлакатда “Инсон қадри ва манфаатлари учун” деган эзгу ғоя асосида демократия ва адолат тамойилларини мустаҳкамлашга қаратилган туб ислоҳотлар йўлидан дадил илгари борилиши, Ўзбекистонда янгиланган Конституция бўйича ўtkazilgan умумхалқ референдуми миллий тараққиётнинг устувор йўналишларини белгилаб бергани, Конституцияда миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча фуқароларнинг тенглиги, инсон ҳуқуқлари, сўз ва виждан эркинлиги принципларига садоқат яна бир бор тасдиқланганлиги, шу ҳуқуқий асосда қабул қилинган “Ўзбекистон – 2030” тараққиёт стратегияси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадларига ўйғулиги Президент томонидан алоҳида эътироф этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев жаҳон миқёсида динлараро бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик ғояларини кенг тарғиб этиш мақсадида Ўзбекистонда ЮНЕСКО шафелигида Динлараро мулоқот ва бағрикенглик халқаро марказини ташкил этишни таклиф қилиб, бБуюк олимларнинг бой меросини ўрганиш, исломнинг асл инсонпарварлик моҳиятини чуқур очиб бериш мақсадида 2024 йил Ўзбекистонда “Ислом – тинчлик ва эзгулик дини” мавзусида халқаро конференция ўтказиш ташаббусини илгари сурди.

Бундан ташқари, Президент Ш.М.Мирзиёев афғон халқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатишни сусайтирмаслик лозим, деган фикрни билдириб, президент Афғонистоннинг музлатилган халқаро активларини бу юртдаги ўткир ижтимоий

муаммоларни ҳал этишга йўналтириш учун мақбул механизмларни ишлаб чиқишига, дунё ҳамжамиятини Афғонистон муаммосини ҳал этиш йўлида бирлашишга ва бу борада БМТ раҳнамолигида Афғонистон бўйича биргаликда ишлаб чиқилган, вазиятга мослашувчан ва конструктив позицияни белгилашга чақирди.

Сурхондарё вилоят суди судьяси

З.Э.Мавлонов